

Хотин-қизлар қўмитаси раиси "Хадичаи Кубро" мадрасасига ташриф буюрди



15:37 / 08.10.2018 4935

Жорий йилнинг 6 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раиси Танзила Камаловна бошчилигидаги бир гуруҳ расмийлар "Хадичаи Кубро" аёл-қизлар ўрта махсус ислом билим юртига ташриф буюрди.

Ўзбекистон Муслмонлари идораси матбуот хизматининг [хабар беришича](#), ташриф чоғида меҳмонлар таълим муассасасининг фаолияти, жумладан, ўқув жараёнлари, маънавий-маърифий ишлар билан яқиндан танишганлар. Шундан сўнг, Танзила Камаловна билим юрти педагог-ўқитувчилари ва талаба қизлари билан самимий суҳбат қилган. Суҳбат жараёнида жамиятда, хусусан хотин-қизлар ўртасида долзарб ва муҳим бўлган муаммолар, улар орасида юзага келаётган қийин вазиятлар ҳақида

маълумотлар бериб, бугунги кунда ечимини кутаётган кўплаб ижтимоий масалалар тўғрисида тўхталиб ўтган.

Хотин-қизлар қўмитаси раисининг билим юртига ташрифи талаба қизларда катта таассурот уйғотди. Бош вазир ўринбосари томонидан билим юрти талаба қизларига юртимиз равнақи ва илм-фанига ўз ҳиссаларини қўшиш, келажакда улардан диний соҳада улкан натижалар кутилаётгани ҳақида тўхталиб, уларга катта ишонч билдирилган. Шунингдек, Хотин-қизлар қўмитаси раисига ҳар қандай вазиятда мавжуд муаммоларни бартараф этишда мурожаат қилишлари мумкинлиги, Қўмита ҳар доим ёрдамга тайёрлиги, ҳар қандай ижобий фикр ва таклифлар, инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш тарафдори экани айтиб ўтилган.

Islom.uz портали таҳририяти